

Боқий сатрлар



Муҳаммад Раҳимхон  
Феруз

НЕ БЎЛДИ,  
ЁРИМ КЕЛМАДИ



Ғазаллар

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси  
1991

Уз  
Ф 50

Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи: *Гулсара Исмоилова*  
Масъул муҳаррир: *Тоҳир Қаҳҳор.*  
Такризчи: *Суйима Ғани қизи.*

Ф  $\frac{4702620102-135}{М 352 (04)-91}$  Доп 91  
ISBN 5—635—01108—X

© Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз  
муаллифи *Гулсара Исмоилова,*  
1991 й.

\* \* \*

Нечук офат эдинг, эй сарвиқомат,  
Бошимға солди ишқинг юз қиёмат.

Қиёмат шўришин жаҳонға солдинг,  
Жаҳондин мунъадам<sup>1</sup> бўлди фароғат.

Фароғат истаган чиқсун жаҳондин,  
Топилмасдур тирикликда саломат.

Саломат аҳли бошиға фалакдин  
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидин озурдадурлар  
Бу кўхна дайрда аҳли фаросат.

Фаросат хайлининг оллида бу қул,  
Бошингға солмайин чини малолат.

Малолат чекмайин десанг жаҳонда,  
Худонинг берганига қил қаноат.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,  
Ҳар ишда қилмағунг ҳаргиз надомат.

Надомат бирла умрим ўтди, ё Раб,  
Етур тонгла расулингдин шафоат.

Шафоат жомидин саршор қилгил,  
Ҳазин Ферузни шоҳи рисолат.

---

<sup>1</sup> Мунъадам — йўқолмоқ.

\* \* \*

Ўилурман ютуб шавқи лаълингда қон  
Фигону фиғону фиғону фиғон.

Юзунг то мани зордин айладинг  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Ўзумга қоронғудур ондин бери  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасинин мудом  
Омону омону омону омон.

Эрур қошларинг ишқ эли қатлига  
Камону камону камону камон.

Гули хуснунга етмасун даҳрдин  
Хазону хазону хазону хазон.

Кел, эй шўх, Феруз кўксини қил  
Макону макону макону макон!

\* \* \*

Икки маҳваш бу кеча базмим аро тутди мақом,  
Бириси меҳри дурахшон, биридур моҳи тамом.

Бири ўлтурса ғазабдин, бири тоза жон берур,  
Бири бўлса талх ҳадис, биридур ширин калом.

Масти лояқил<sup>1</sup> қилурға мажлис аҳлини тамом,  
Бири олиб пишани илкига, яна бири жом.

Бирини лаъли лабида зоҳир ўлмиш сабзи хат,  
Ҳусн Мисрида бири Юсуфгадур қойиммақом.

Бириси лаъли лабидин дур сочиб, ўқур ғазал,  
Бириси танбур олиб илкига, чертар зеру бом.

Бириси олиб суроҳий<sup>2</sup>, ўлтуруб минг ноз ила,  
Бири коса бермак учун базм аро айлар хиром.

Бириси базм аҳли кўзин равшан айлар юз очиб,  
Зулфи юзига бўлуб бирин ниқоби мушқфом.

Жону кўнгул булбулин сайд айлади ул икки шўх,  
Бири холин дона айлаб, бириси зулфини дом.

Ичгил ишрат жомини, Феруз, ул икки ёр ила,  
Ул икки маҳвашни ўлғай ҳусни доим мустадом<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Л о я қ и л — ақли ўзида эмас, ҳушсиз.

<sup>2</sup> С у р о ҳ и й — бўйни узун идиш, сув ва май идиши.

<sup>3</sup> М у с т а д о м — давомли, узлуксиз.

\* \* \*

Бўлмаса базм ичра ул ой, ўзга дилбарни нетай?  
Лаъли жонбахшидин айру шахду шаккарни нетай?

Қилмаса равшан юзидин тийра бўлгон кўзларим,  
Моҳитобонни на айлай, меҳри анварни нетай?

Бошима еткурмаса зийнат қудуми гардидин,  
Тожи афсарни на айлай, мулки кишварни нетай?

Зулфи атридин машомимни муаттар қилмаса,  
Даҳр бўстонида бутган сунбули тарни нетай?

Гар назарда бўлмаса ул сарвқомат, жилвагар,  
Сидраи тўбий била сарву санавбарни нетай?

Гулузори ўзра холи мушқфомин кўрмасам,  
Оташин гулни на айлай, мушқу анбарни нетай?

Мақдами исори базм асбобга сарф ўлмаса,  
Лаъли гавҳарни на айлай, сийм ила зарни нетай?

Бўлмаса базм ичра, соқий, ул парипайкар агар,  
Бодаи гулфом ила гулранг соғарни нетай?

Гар муяссар бўлса ўпмак лаълидин Ферузга,  
Хуру ғилмонни на айлай, оби кавсарни нетай?

\* \* \*

Келди лутф айлаб менинг кулбамга жонон бу кеча,  
Гўйиё кирди ўлук жисмим аро жон бу кеча.

Сурма тортиб наргиси хуммориға зийнат учун,  
Айлади ширин лабидин бўса эҳсон бу кеча.

Тийра эрди рўзгорим сочининг савдосидин,  
Равшан этди юз очиб ул моҳитобон бу кеча.

Меҳри рухсоридин айру мажлисим эрди хазон,  
Гул юзидин айлади они гулистон бу кеча.

Ҳажри муҳлик<sup>1</sup> дашти ичра йиллар эрдим ташналаб,  
Берди лаъли чашмасидин оби ҳайвон бу кеча.

Билмадим ҳеч, одамизод эрдиму ёхуд пари,  
Айлади бир жилвада ақлимни ҳайрон бу кеча.

Интизорин тортар эрдим ҳажрида Феруздек,  
Келди очиб ораз ул хуршиди рахшон бу кеча.

---

<sup>1</sup> М у ҳ л и к — ҳалок қилувчи.

\* \* \*

Рухсорин очиб бир пари, келди бу тун базмим аро,  
Бошдин оёқи бор экан меҳру вафо, нозу адо.

Чиқса фалакка ҳар саҳар оху фиғоним, неажаб,  
Айлар фузунроқ ҳар кеча ул ой менга жавру жафо.

Билмон, не офат эрди ул, бўлғоч назарга жилвагар  
Ақлу хирад, ислому дин ўлди бори мендин жудо.

Жонинг учун ҳардам манга кўргуз тараҳҳум, эй пари  
Ким, сабру тоқат қолмади жавринг чекиб субҳу масо<sup>1</sup>.

Ойдек юзунгнинг партави тушсун қаро кулбамга ҳам,  
Қўйғил қадам, эй маҳлиқо, очиб узори дилкушо.

Не суд, толеъ бўлса гар юз ою кун, ҳар субҳу шом,  
Нечунки бор Ферузга меҳру жамолинг муддао.

---

<sup>1</sup> М а с о — оқшом



\* \* \*

Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт,  
Куфри зулфинг дину имон ичра ўт.

Наргиси шахло кўзунг солгусидур  
Бир ниғаҳдин боғу ризвон ичра ўт.

Оҳ чексам фурқатингдин ўртаниб,  
Тушгусидур байтулаҳзон ичра ўт.

Журмим, эй маҳваш, недур, ҳар дам солур  
Барқи ишқинг жисми вайрон ичра ўт.

Ой киби фаррух юзунгнинг фурқати  
Солди кўкда меҳри рахшон ичра ўт.

Не ажаб, кўргач юзунг Ферузнинг  
Оҳидин тушса гулистон ичра ўт.

\* \* \*

Юз жилва агарчи қади раъносидадуру,  
Минг онча сафо орази зебосидадуру.

Жон берсам ул ой васлиға еткач, не ажабким,  
Қотиллиғ ики наргиси шаҳлосидадуру.

Фаттон кўз ила ишқ эли жонин оладур, лек  
Жонбахшлиқ икки лаби гўёсидадуру.

Ушпоқ замири қушининг келди тузоғи —  
Ким, мунча гириҳ зулфи сумансосидадуру.

Кўргач юзини бўлсам агар маҳв, нетонгим,  
Сунъи ҳақ анинг ҳусни дилоросидадуру.

Таърифи эмас они демак Юсуфи Канъон,  
Юз Юсуф анинг васли таманносидадуру.

Феруз, фироқингда қолибдур баче ғамгин,  
Шод эт ани, кўб ғам дили шайдосидадуру.

\* \* \*

Юзунгдур, эй париваш, хусн буржининг тўлини моҳи,  
Икки қошинг ҳилоли ийд янглиғ борча дилҳоҳи.

Санга монанд эмастур ҳеч ким хайли башар ичра,  
Малаксан, ё парилар сарвари, эй хўблар шоҳи!

Қуёшдек ораз ичра сирри оғзинг уйла мубҳамдур —  
Ким, онинг хурдабинлар зарра янглиғ эрмас огоҳи.

Фироқинг ичра ҳолим шиддатин, жоно, билай десанг,  
Анга икки гувоҳ — кўз ёши бирла чехраи қоҳи.

Жамолинг шамъи бирла тийра қулбам қилғоли равшан,  
Не бўлғай, юз очиб ёнимга келсанг раҳм этиб гоҳи.

Эрур Яъқубдек икки кўзум йўлунг уза гирён,  
Кўнгулга бўлди бир ой Юсуфим то бағбаганг чоҳи.

Не бўлғай, эй суманбар, раҳм этиб Феруз ҳолига,  
Мудом ўлсанг онинг иқболидек ёнида ҳамроҳи.

\* - \* \*

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?  
Наргис эрканму ва ё ул чашми пурафсунмудур?

Ул гул олмишму қизил гул илкига бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунмудур?

Гул нечук гулгун юзунгга ўзни монанд айлагай —  
Ким, онинг ранги юзунгдин дамбадам афзунмудур?

Гул уза шабнамму ёхуд булбул ашки ҳажридин  
Гул боши узра нисор ўлгон дури макнунмудур?

Буки, тинмай гулшан ичра нола айлар андалиб,  
Ул дағи бир гул ғамидин ман киби маҳзунмудур?

Дўстлар, Лайлини гулрўйимга ташбеҳ айламанг,  
Ким онинг девонаси мен зордек Мажнунмудур?

Эй кўнгул, ул гул висоли ичра шод эткан сани  
Бахти Ферузингму ёхуд гардиши гардунмудур?

\* \* \*

Етушти ҳажридин жонимға юз ранжу алам, ё Раб,  
Кўруб ҳолимни, кам қилмас манга бирдам ситам, ё Раб.

Висоли орзусида ўтурдим субҳ ила шомим,  
Муяссар бўлмади ҳижронида жуз дарду ғам, ё Раб.

На қолди тоб жисмимда, на тоқат зор кўнглумда,  
Етур эмди висолиға ўзунг айлаб карам, ё Раб.

Сочи савдосида доим қоронғудур манга олам,  
Менинг бу шоми ҳижронимға еткур субҳидам, ё Раб.

Жаҳоноро жамолидин менинг базмимға ҳам бир тун  
Етургайму экан равшанлиғ ул маҳваш санам, ё Раб.

Агар лутф айлабон ўз илки бирла берса бир соғар,  
Кўнгулда қолмас эрди орзуйи Жоми Ҷам, ё Раб.

Не янглиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижронида Феруз,  
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам, ё Раб.

\* \* \*

Айлаган ҳолим хароб, эй сарвинозим, сизмусиз?  
Кўрубон қилгон ситам ажзу ниёзим, сизмусиз?

Кўргузуб нозу адо дилбарлик ойини била,  
Жон қушини сайд қилгон шоҳбозим сизмусиз?

Равшан этган фурқатидин тийра бўлгон кўзларим —  
Меҳри рухсорин очиб, шамъи тирозим<sup>1</sup> сизмусиз?

Базм этарга мажлис ичра дилраболар бўлса жам,  
Барча маҳвашлар ичида сарфарозим сизмусиз?

Раҳм қилмай ошиқи бечораларнинг ҳолига,  
Ишқ элига қаҳри кўпроқ, лутфи озим сизмусиз?

Масти лоъяқил қилиб мен зорини зуҳд аҳлига,  
Ошкоро айлаган пинҳона розим сизмусиз?

Лутф этиб Ҳақ, бахт ўлуб, Феруз, топдим салтанат,  
Шоҳлар ичра мен эсам Маҳмуд, Аёзим сизмусиз?

---

<sup>1</sup> Шамъи тироз — нақшли шамъ.

\* \* \*

Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?  
Сарвқаду гул пираҳан, ғунча даҳоним қайдадур?

Бир қиё боқмоқ била ақлимни торож айлаган  
Ул парирухсор, мужғони синоним<sup>1</sup> қайдадур?

Чиқти жоним фурқатида гул юзин кўрмай анинг,  
Жон берурға лаълидин Исо нишоним қайдадур?

Ноз ила жонимни олгон кўргузуб зулму ситам,  
Сангдилу бедодгару номехрибоним қайдадур?

Кечаю кундуз фироқида ўлар ҳолатдаман,  
Айтинг, эй аҳбоблар, жисм ичра жоним қайдадур?

Оху нолам чархи фарсодур юзи ҳижронида,  
Билмадимким, боиси оху фиғоним қайдадур?

Белу оғзи ёди бирла кўзларим гирён этиб,  
Ошкоро айлаган дарди ниҳоним қайдадур?

Васли бирла шод этиб ағёрларни ҳар кеча,  
Байтулаҳзонимға бўлмай меҳмоним қайдадур?

Топмадим ул гул висолидин хабар Феруздек,  
Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?

---

<sup>1</sup> С и н о н — найза учи, ўткир найза.

\* \* \*

Келдингму ибодатга, эй моҳлиқо, букун,  
Етушти қудумингдин дардимга даво букун.

Ўпсам лаби жонбахшинг, жонимга етар роҳат,  
Бўлмоқинг анга монез бўлғайму раво букун.

Журмим недур, эй маҳващ, билмасман, аён этгил,  
Қаҳринг бўладур афзун ҳар лаҳза манго букун.

Ақлу хирадим олиб, расвои жаҳон этдинг,  
Бир жидва қилиб зоҳир, эй кўзи қаро, букун.

Ўлмакка ёвуқ етдим тортиб ғами ҳижронинг,  
Холимга карам айлаб, ман сори қаро букун.

Эй соқийи гулчеҳра, жомингни қилиб мул-мул,  
Қилгил мани зорингга пайдар-пай ато букун.

Қошу кўзунгга қурбон бўлса, не ажаб, Феруз,  
Сан киби паривашни еткурди худо букун.



\* \* \*

Манга раҳм айлаб ул ширинзабон оҳишта-оҳишта,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳишта-оҳишта.

Фироқида қорорғон кўзларимни қилғоли равшан  
Очиб рухсораи хуршидосон оҳишта-оҳишта.

Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етурди васлидин сихҳат равон оҳишта-оҳишта.

Масихо мўъжизин жонбахш лаълидин қилиб зоҳир,  
Ўлук жисмимга берди тоза жон оҳишта-оҳишта.

Сўруб дилдорлиқ расми била ҳоли паришоним,  
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳишта-оҳишта.

Деди: «Эй, ошиқи зорим, малоли дарди ҳижрондин  
Бўлубсан асру зору нотавон оҳишта-оҳишта.

Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингга бори элдин ниҳон оҳишта-оҳишта...

Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳишта-оҳишта».

Ман ул дам ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,  
Фироқи ранжидин топтим омон оҳишта-оҳишта.

Қиши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиф  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳишта-оҳишта.

\* \* \*

Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,  
Бир чарғким, ёзмиш қанот қасд айлаб оху устина.

Назвора қилғил орази узра хатиға ҳар замон,  
Гар мавжи жавҳар кўрмасанг бир соф кўзгу устина.

Меҳримиз ўлмушмудур гулгун шафақ ичра ниҳон,  
Қиймиш ваё гулранг тўн ул шўх гулрў устина.

Қўнглум, нетонг, сиймобдек ҳар лаҳза қилса изтироб —  
Қим, ул юз ўтидин эриб, сув бўлғуси сув устина.

Лайливашимнинг ишқида мажнунлиғим кўрган киши  
Ҳолимга кулгулар қилур изҳор кулгу устина.

Хатдурму рухсори уза ёхуд мусаххар қилғоли  
Чин мулкининг келмушмудур афвожи<sup>1</sup> ҳинду устина.

Зулфи хатининг ҳажрида бошимга айларлар ҳужум,  
Ғоятсиз андуху алам юз навъ қайғу устина.

Ёғду кун ўлди кўзларим оллида шони тордек,  
Айларга пинҳон юзларин чун ёзди гесу устина.

Ваҳ, найлайн, Феруз, ул қотил ғазаб ёйин чекиб,  
Мужгон ўқин тез отғали чин солмиш абрў устина.

---

<sup>1</sup> А ф в о ж — тўдалар, гуруҳлар.

\* \* \*

Не бало, мавзун келибдур қадди хуш рафторингиз,  
Вах, нечук жонпарвар эрмиш шаккарин гуфторингиз!

Оби ҳайвон ўлди зулмат ичра хижлатдин ниҳон,  
Хатти Хизр ичра чу кўрди лаъли шаккарборингиз.

Инфиол<sup>1</sup> айлаб Масиҳо чарх уза қилди уруж<sup>2</sup>,  
Рухафзо билди чун анфоси қудс осорингиз.

Кун уётдин айлади ўзни шафақ ичра ниҳон,  
Кўрди гулгун тун аро то оташин рухсорингиз.

Наргиси фаттон кўз очиб, қолди ҳайрон боғ аро —  
Ким, қилиб наззора икки жодуйи хунхорингиз.

Очмас эрдук шўхлар ҳусни тамошосиға кўз,  
Гар муяссар бўлса кўрмак бир назар дийдорингиз.

Ҳолимизга раҳм этингким, лаълингиз хижронида  
Нўш этиб хуноби ғам, доим эрурмиз зорингиз.

Келди бу атворингиз расми мурувватдин йироқ,  
Ҳажрингизда биз ғамин<sup>3</sup>, васл ичра шод ағёрингиз.

Не сабабдин қилдингиз Ферузга нозу итоб —  
Ким, ул эрди базмингиз ичра анису ёрингиз?..

---

<sup>1</sup> И н ф и о л — уялиш, хижолат чекиш.

<sup>2</sup> У р у ж — юксалиш.

<sup>3</sup> Ғ а м и н — ғамгин.

\* \* \*

Нигоро, олди хушим, тарзи рафторингга салламно!  
Ёрутти тийра кулбам, меҳри рухсорингга салламно!

Ишим қотил кўзунг бедодидин бўлмиш базе мушкул,  
Ичиб қонимни тўймас, чаши хунхорингга салламно!

Лабинг сўздин берур жон ўлган элга дарди ишқингдин,  
Равон берур лаби жонбахши гуфторингга салламно!

Ҳама ишқ аҳлидур, эй муғбача, зулфинг гирифтори,  
Бори дин аҳлини банд этди — зуннорингга салламно!

Дединг: «Лутф айлагум», ўлтурдинг, аммо неча ноз айлаб,  
Агар лутфинг бу эрса, жавру озорингга салламно!

Қилурсан ноз, агар мен ҳар неча арзи ниёз этсам,  
Ситамкор маҳвашо, бу навъ атворингга салламно!

Феруз ўлуб бахт, этдинг ул ой қадди, зулфин васф,  
Бу янглиғ табъи нозик бирла ашъорингга салламно!

\* \* \*

Бир пари тушда манга ораз намоён айлади,  
Кўргач ўқ хушу хирад мулкани вайрон айлади.

Ғамзаю нозу тағофул бирла имо айлабон,  
Кўзлари жонимни олиб қасди имон айлади.

Оташин гул баргини элтиб лаби хандониға,  
Жон ила кўнглумни рашк ўтиға сўзон айлади.

Зулфи мушкинин юзи узра паришон айлабон,  
Кўзларимни тийра, кўнглумни паришон айлади.

Чунки рухсори жаҳонтобин кўз очтим кўргали,  
Орази меҳрин ниқоб остида пинҳон айлади.

Сийнаси узра кўруб гулгун қабоси чокини,  
Гулшан ичра гул дағи чоки гирибон айлади.

Сесканиб уйғондим эрса, топмадим андин асар,  
Ушбу туш Мажнун киби ақлимни ҳайрон айлади.

Ё Раб, уйғоқлиқда рўзи қил висоли давлатин  
Ким, мани ошифта бир гул юзли жонон айлади.

Мумкин ўлғайму висоли ичра бир кун шодлиғ,  
Бўйлаким Ферузни ҳажрида гирён айлади.

\* \* \*

Кўзумга бир париораз падидор этдию кетди,  
Дилу жонимни хуснига гирифтор этдию кетди.

Қадам қўйғоч бузуқ кулбамга, гулзори жамолидин  
Мақомим боғи ризвондин намудор этдию кетди.

Отиб мужгон ўқин қош ёси бирла чашми жаллоди,  
Саросар жисми беморимни афгор этдию кетди.

Дедим: «Жоно, фироқинг ичра ўлдим, васл ила тиргуз!»  
Табассум лаъли жонбахшидин изҳор этдию кетди.

Келиб таъжил ила қайтурга умр осор шитоб айлаб,  
Кўзумни ашки ҳасрат бирла хунбор этдию кетди.

Нечаким ёлбориб, ўлтур, деб изҳори ниёз этдим,  
Ул айлаб нозу жаврин, ҳар неким бор этдию кетди.

Паришон айлабон рухсори узра зулфи мушкинин,  
Кўзум ҳижрон тунидек тийраю тор этдию кетди.

Узорин гул-гул айлаб, юз адою ноз этиб зоҳир,  
Гуле хуснига кўнглум булбулин зор этдию кетди.

Деди, «сабр айла, эй Ферузким, дилдоринг ўлғумдур»,  
Бу сўз бирла мани ғамдин сабабкор этдию кетди.

\* \* \*

Ёр сўрорға мен ҳазин ҳолини келмади, нетай?  
Ишқи ўтиға куйганим кўзига илмади, нетай?

Гарчи жаҳонда йўқтурур ман киби ишқи ичра зор,  
Ҳолима раҳм бир нафас умрида қилмади, нетай?

Масти шароби ҳусн ўлуб кўзлари хобу ноздин,  
Ҳолима қилғали назар бир дам ойилмади, нетай?

Ҳар неча ман ҳазиниға қилди висоли ваъдасин,  
Ваъдаси ичра бир нафас, лек топилмади, нетай?

Ишқ эли шоҳиман, вале ошиқининг қаторида  
Ушбу ҳазинин ул пари кўзига илмади нетай?

\* \* \*

Сайри боғ этсанг агар, эй сарви қадду гулбадан,  
Сарв аёқингга қўяр бош, чок этар гул пирахан.

Айламассан раҳм олтундек рухи зардим кўруб,  
Дилраболиқ расми бу навъ ўлғаму, эй сиймтан?

Кўрса рафторингни гар боғ ичра кабки хушхиром  
Банда бўлгай жилваи қадингга ул, андоқки ман.

Шона олиб, юз уза зулфинг паришон айлагач,  
Ер юзин қилди муаттар бўйи райҳону суман.

Бўлмагай озурда ниши кирпичимдин деб танинг,  
Қўрқарам, гар кўз уйин мардум киби қилсанг ватан.

Оразинг боғида икки наргисинг кўрган киши  
Дерки, Чин гулзори ичра кирмиш охуйи Хўтан.

Базми васлинг ичра маҳрам айлагил Ферузни,  
Чунки хижронингда ул бечора чекмиш кўп миҳан<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> К а б к — каклик.

<sup>2</sup> М и х а н — меҳнатлар.



\* \* \*

Ҳар сўзида фош этар ул бути танноз ноз,  
Бўлмиш анга гўйиё ҳамдаму ҳамроз ноз.

Ҳар неча ул шўхға арзи ниёз айласам,  
Айни тағофул била қилғуси оғоз ноз.

Нозлар айлаб қилур ишқ эли кўнглин шикор,  
Бўлди магарким анга шунқори шахбоз ноз.

Ноз ила боқғоч қиё ҳушуму сабрим олиб,  
Дашти жунунда мани қилди сабуктоз ноз.

Ғар анга тузгил десам дўстлик оҳангини,  
Жаври мақомин тутуб, қилғусидур соз ноз.

Турфа будурким, ўлук жисмима жон бергали  
Бўлди Масиҳо киби мўъжиза пардоз ноз.

Ғар тиласанг васлида ком ила Ферузлик,  
Сан анга кўб қил ниёз, этса ғар ул оз ноз.

\* \* \*

Олдинг ниқоб юздин, эй дилрабо, муборак!  
Хуршиддек жаҳонга бердинг зиё, муборак!

Фархунда оразингни айларга шамъи мажлис  
Келдинг тараҳхум айлаб бу базм аро, муборак!

Ошиқларингга васлинг кўб ваъда айлаб эрдинг,  
Бу ваъдаларга охир қилдинг вафо, муборак!

Гоҳи табассум айлаб, гоҳи такаллум айлаб,  
Пинҳону фош қилдинг нозу адо, муборак!

Гоҳи олиб қўлунгга танбур, ўлуб навосоз,  
Ушшоқи бенавога бердинг наво, муборак!

Чиқмай усулдинки раққослик қилиб фош,  
Юз бўса бир дирамга қилдинг баҳо, муборак!

Феруз, кўнглинг этма қошу кўзига мафтун,  
Эркан ҳаёсиз асру ул шўҳи номуборак!

\* \* \*

Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,  
Чексам, нетонг, ўтлуғ наво ул навъким булбул букун.

Бўлди машомим<sup>1</sup> мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумга таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб —  
Ким, гулузорим илқида мийно қилур қул-қул букун.

Сармасти саҳбо бўлғоли чинни қадаҳни тўлдуруб  
Ул ўзи нўш айлабон тутти манга ҳам мул<sup>2</sup> букун.

Ул оташин юзни қўруб, гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтиға ўртаниб, бўлмиш вужуди қул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,  
Бу беадаблик бўйнига тасбиҳинг этмиш гул букун.

Гарчи эрурман толеъи Феруз ила оламға шох,  
Лек ул парилар сарвари оллидадурман қул букун.

---

<sup>1</sup> М а ш о м — димог.

<sup>2</sup> М у л — май.

\* \* \*

Эй, юзунгдур хусн авжида мунаввар офтоб,  
Кўргач они заррадек этсам тонг эрмас изтироб.

Булбулосо айлабон тун-кун фиғону нолалар,  
Зор кўнглум гул юзунг шавқида бўлмишдур хароб.

Лаъли майгунинг фироқида етибман ўлгали,  
Васл аро лаълинг шароби бирла қилғил комёб.

Дўстлар, фарёду афғон этсам эрмас айбким,  
Дилбарим ағёрға лутфу манга айлар азоб.

Махрам эт васлинг аро иқболи Ферузинг киби  
Бу хазинни, эй суманбар, айламай нозу итоб.

\* \* \*

Қилиб ноз олдинг, эй маҳбуб, орому қароримни,  
На орому қарорим, балки ақлу ихтиёримни.

Йўқ оғзингдин такаллум мавжини зоҳир қилиб ҳар дам,  
Адам тўфонига бердинг ниҳону ошкоримни.

Нечук бераҳм эрурлар бу ики қотил кўзунг, эй шўх,  
Ки қилмишлар ҳадаф мужгон ўқиға жисму зоримни.

Юзунг меҳрини кўргач зарра янглиғ қолмас оромим,  
Таажжуб, кўрмагил, эй дилбар, ушбу изтироримни<sup>1</sup>.

Гуноҳим не эди, эй дилбар, айлаб жавр изҳори,  
Менинг ҳижрон аро ҳаддин ошурдинг интизоримни.

Не бўлғай, меҳрдек юз бирла келсанг қилғоли равшан  
Фироқингда қорорғон тийра чашми ашкборимни.

Ҳижолатдин бири терлаб, бири қаддини айлар ҳам,  
Кўруб сарву гул ул шамшод қадду гулузоримни.

Букун дерсиз манга, эй дўстлар, ишқини тарк этгил,  
Магарким кўрмаган эрмишсиз ул зебо нигоримни.

Жанобида<sup>2</sup> ўзин қул этгай эрди Юсуфи мисрий,  
Агар кўрса менинг хуршидталъат шахсуворимни.

Етур, боди сабо, то пойибўси давлатин топғай,  
Агар кўйи сори эссанг, бу жисми хоксоримни.

Паришон зулфидин, Феруз, улфат риштасин узма,  
Десангким қилмасун ошуфта даврон рўзгоримни.

---

<sup>1</sup> И з т и р о р — зарурат, ночорлик.

<sup>2</sup> Ж а н о б и д а — остонасида маъносида.

\* \* \*

Тараххум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тору зулфи мушкборингман.

Кўнгулда қолмайин бир зарра чоқлиғ тоб ила тоқат,  
Юзунг хуршиди ҳижронида тун-кун беқарорингман.

Кел, эй лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи мажнуншиорингман.

Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубтур тийра, асру торта-торта интизорингман.

Мурувватдур муқарраб даргаҳингдин айламак маҳрум  
Маниким, маҳрами рози ниҳону ошкорингман.

Жафо тошин уруб кўб, қилмоғил мажруҳ бошимким,  
Вафо боғида бутган бир ниҳоли мевадорингман.

Нигоро, ижтиноб этмак недур ман зори ҳайрондин —  
Ки, сансан бир гули хандон, мани бечора хорингман.

Манга айлаб лаболаб дамбадам соғар тут, эй соқий,  
Қўлунгдин бода ичмай, муддатедурким, хуморингман.

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин  
Сенинг, эй хусн амири, бандаи безътиборингман.

\* \* \*

Юз очиб гар этса ул шўх ошкоро хуснини,  
Кўргач ўлғай ҳар киши мажнуну шайдо хуснини.

Зарра янглиғ оллида кун зоҳир айлар изтироб,  
Ногаҳон гар кўрса ул хуршидсиймо хуснини.

Сабр ила тоқат кўнгул мулкидин ўлмишдур бари  
Қилғоли кўз бир нафас онинг тамошо хуснини.

Ё малак, ёхуд пари ҳусн ичра монанди эмас —  
Ким, анинг ҳақ айламиш оламда якто хуснини.

Сафҳаи оразда мушкин хатти сиёҳи хол ила  
Айламиш бир зийнат ул ойнинг саруно хуснини.

Жаннат ичра ҳуру ғилмон суҳбатин қилмас ҳавас,  
Равзаи васли аро кўрган дилоро хуснини.

Ё Раб, ўлғайму муяссар бир кеча Ферузга  
Лаълидин ўпмак, тамошо айламак ё хуснини?..

\* \* \*

Бир дам айлаб ҳолима лутф ошкор, эй гулбадан!  
Кулбама гулгул очиб келгил узор, эй гулбадан!

Мушк иси бу тун димоғимни муаттар айлади,  
Юз уза ёйдингму зулфи мушкбор, эй гулбадан!

Лабларинг кавсар, қадинг тўби, юзунг жаннат гули,  
Ҳар сўзунг бир гавҳаридур обдор<sup>1</sup>, эй гулбадан!

Гулшан ичра гул киби кўргач узоринг, айлади  
Барги нақдин гул оёқингга нисор, эй гулбадан!

Юз очиб чун сайри боғ айларга келдинг, айладинг —  
Гул юзунгга булбули кўнглумни зор, эй гулбадан!

Ошиқи беихтиёрингман, вафо айлаб манга,  
Айлагил маъшуқликни ихтиёр, эй гулбадан!

Орази хуршид тимсолинг тамошо айлагач,  
Зарра янглиғ кўнглум ўлди беқарор, эй гулбадан!

Зулфу қадинг иштиёқида фалакка чирмашур  
Ҳар тун оҳимдин сууд<sup>2</sup> этган шарор, эй гулбадан!

Киргил оғушимга, жон ичра алиф янглиғ бўлуб,  
Дилраболиқ шевасин айлаб шиор, эй гулбадан!

Не эса кўнглунгда коминг, тенгри мавжуд айласун,  
Доим ул Феруз бахтинг бирла ёр, эй гулбадан!

---

<sup>1</sup> Обдор — тиниқ.

<sup>2</sup> Сууд — юқорига кўтарилмоқ, ўрламоқ.



\* \* \*

Аё, бераҳми, хўбони замона,  
Мани ҳижронда қўйма жовидона.

Санга арз айларам рози дилимни,  
Эшит арзимни кўргузмай баҳона.

Висолингда бўлуб ағёр хушҳол,  
Мани ҳажринг ғами еткурди жона.

Ҳаданги ғамзанга жисми низорим,  
Тараҳхум қилмай, айларсан нишона.

Не бўлғайким, сўруб Феруз ҳолин,  
Агар бўлсанг анга ёри яғона.

\* \* \*

Кулуб деди манга бу кеча дилдор:  
«Бўлубмусан манга асру гирифтор?»

Дедимким: «Ошиқи зорингман, оре,  
Нетайким, васлингга йўл бермас ағёр.

Санга ағёр ҳамдам бўлса бир дам,  
Менинг бағрим бўлур афгору афгор.

Бу ҳолимни кўруб, қилғил тараххум,  
Бўлубман дарди ишқингдин баса зор...»

Табассум бирла дур сочиб сўзидин,  
Дедиким: «Не гараз бу сўздин, эй ёр?»

Дедим: «Лаълингдин этгил бўса эҳсон!»  
Деди: «Бу нукта бордур асру душвор».

Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,  
Деди: «Феруз, бўлғум санга гамхор».

\* \* \*

Қачонким айласа ул Исойи замона ҳадис,  
Ўлук баданга берур умри жовидона ҳадис.

Бўлур бори шакқарин нуктагўйлар абкоме лол<sup>1</sup>,  
Не мажлис ичра қилур ул маҳи ягона ҳадис.

Ҳадисидин, неажаб, умри жовидон топсам,  
Ким ҳардам оби Хизрдин берур нишона ҳадис.

Деса сўз ўзга ҳабибимдин, айламас таъсир  
Қулоқға, ҳар нечаким бўлса қудсиёна ҳадис.

Бихамдиллоҳ, эрурман висолиға маҳрам  
Нединки бордур эшитмак манга баҳона ҳадис.

Муғанниё, тузуб «Ушшоқи рост» оҳангин,  
Наво қил, айлабон оғоз ошиқона ҳадис.

Гоҳи карам била Ферузни ҳам айлаб ёд,  
Замон-замон анга қил хат била равона ҳадис.

---

<sup>1</sup> Абком — соқов, гунг.

\* \* \*

Тобакай, жоно, фироқинг ўти ичра ёқилай,  
Неча лаълинг ҳасратидин кўзда ёшимни силай.

Сандин ўзга кўнглум олгон шўх йўқ бу даҳр аро,  
Рост бил бу сўзни, жон ёрим, ёшингдин ўргилай.

Эй, парирухсор, олиб юздин ниқоб, ўтруға кел,  
Тийра кўзларни юзунгдин ҳар нафас равшан қилай.

Эй, пари, ҳажрингда аҳволи харобимни билиб,  
Нетди раҳм айлаб десанг: «Бу кеча ёнингға келай».

Эй, нигорим, бўсае лаълингдин айлаб орзу,  
Гар десанг, Ферузнинг кўнглида не эркан, билай.

\* \* \*

Эй, фалак, нетдим, сане душманлиғ изхор айладинг,  
Нотавон кўнглум туганмас ғамға дучор айладинг.

Солибон айру малаксиймо ҳабибимдин мани,  
Ғулсурат<sup>1</sup>, девсийратлар била ёр айладинг.

Васл ила бир дам хуш этмай хотири ношодими,  
Доимо дарду фироқу ғам аро зор айладинг.

Ҳажр тигидин қилиб жисмимни сартосар яро,  
Жони зоримни машаққат бирла афғор айладинг.

Давлати васлин муяссар айлабон ағёрға,  
Меҳнату ҳажриға кўнглумни сазовор айладинг.

Бир лаби майгун, кўзи хуммор ҳижрони аро  
Қон ёшим кўзда равон, жонимни бемор айладинг.

Бир йўли айланмайин Ферузнинг коми била,  
Эй, фалак, нетдим, сане душманлиғ изхор айладинг.

---

<sup>1</sup> Ғулсурат — ташқи кўриниши дев каби маъносида.

\* \* \*

Оҳким, бир дилрабо ишқиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб, доми зулфиға гирифтор ўлмушам.

Лаълидин ўпмак тилаб, топмай муроду мақсадим,  
Новаки мужғони бирла сийна афғор ўлмушам.

Ҳар неча васлин тилаб, жон жавҳарин қилсам фидо,  
Топмай онинг илтифотин дийда хунбор ўлмушам.

Бир тараҳҳум айламас ҳолим кўруб ул сангидил,  
Оллоҳ-оллоҳ, мубталойи бўйла дилдор ўлмушам.

Равшан этмак истабон хоки қудумидин кўзум,  
Естонибон йўли узра туфроқосор ўлмушам.

Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боисин кўб ҳоли душвор ўлмушам.

Зарра янглиғ изтироб этсам нетонг Феруздек,  
Гар қуёш рухсори дилбар ишқида зор ўлмушам.

\* \* \*

Бу кеча базмим аро, не бўлди, ёрим келмади,  
Ўртади ҳижрон ўтига йўқу борим, келмади.

Кел деганда, «яхши, келгум», деб эди, фарёдким,  
Билмадимким, не сабаб бўлди, нигорим келмади.

Неча кундурким қолиб ҳижрон аро маҳжурман,  
Тарқатурға жоми васлидин хуморим келмади.

Келмакига ваъда айлаб эрди бу тун, оҳким,  
Ҳаддидин йўлида ошти интизорим, келмади.

Орази ҳижронида олам қоронғудур манга,  
Равшан айларга юзидин шоми торим келмади.

Бўлди базмим гулшани, кетгач хазони боғдек,  
Они айларга гулистон навбаҳорим келмади.

Хор аро гулдек бўлурға хўблар ўртасида,  
Сарвиқадду гулжабину гулузорим келмади.

Ишқ сиррин кимга шарҳ айлай ман эмди, дўстлар,  
Махрами рози ниҳону ошкорим келмади.

Нола айларман туну кун ҳажрида Феруздек,  
Кўнглига таъсир этиб афғони зорим, келмади.

\* \* \*

Оҳким, жонимға жабр айлаб мани ёр ўлтурур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксимни афғор ўлтурур.

Берса жон ширин лабидин гар ўлук жисмимга, лек  
Қатлима айлаб ишорат, чашми хунхор ўлтурур.

Келса токи мажлисимга неча турлук ноз ила,  
Гоҳ қилиб хушдил, бўлуб гоҳи дилозор ўлтурур.

Гар назар қилсам ул ой рухсорига мойил бўлуб,  
Рашк ўтига ўртабон зулфи нигунсор ўлтурур.

Васли бирла шод этиб агёрни, хижрон аро  
Айлабон маҳзун мани, чархи ситамкор ўлтурур.

Ишқ айтур: «Масти хоб ўлғонда ўпгил лаълидин»,  
Ақл дер: «Қўй бу ишинг, гар бўлса бедор, ўлтурур».

Ҳар неча йўлида жон қилсам фидо Феруздек,  
Айламай манзур они, ҳар дамда юз бор ўлтурур.



\* \* \*

Ул қуёш очиб юзин қилди мунаввар шомимиз,  
Қолмади жону кўнгулда заррадек оромимиз.

Эй сабо, кўйи сори қилсанг гузар, одоб ила  
Ул парилар шоҳиға етқур бизинг пайғомимиз.

Соқийё, бир жом ила комимни ширин айлагил,  
Ўлтуруб зухд аҳли бирла талх бўлди комимиз.

Келмакидин ваъда айлаб эрди, ваҳким, келмади,  
Гўйийё бўлди пушаймон ваъдадин худкомимиз.

Жон қушиға эмди йўқ озодлиғ ул қайддин<sup>1</sup>,  
Холи мушқин дона бўлмиш, зулфи анбар домимиз.

Шукрилиллаҳ, дилбарим лутфу мурувват кўргузуб,  
Сунди айлаб лабалаб ишрат майидин жомимиз.

Келгил, эй Феруз, қил эмди манга ҳамроҳлиғ,  
Қаъбаи кўйи сори чун боғладуқ эҳромимиз.

---

<sup>1</sup> Қ а й д — кишан.

\* \* \*

Ул санамга ўзга раҳбон бор экандур, билмадим,  
Кўнгли онинг мойили ағёр экандур, билмадим.

Мен тиларман равшан этмак кўз жамолидин анинг,  
Мақсади қилмоқ кўзум хунбор экандур, билмадим.

Айлаган ғорат кўнгулдин ақлу ҳушу донишим,  
Бир шакарлабе шўхи айёр экандур, билмадим.

Васлиға етмак тилаб чектим баче ранжу тааб,  
Лек ул дилбарға мандин ор экандур, билмадим.

Ҳар кеча ағёр базмин равшан этган бориб ул,  
Қокили мушқин, кўзи хунхор экандур, билмадим.

Айламас наззора ҳаргиз неча жон қилсам фидо,  
Эй кўнгул, сендин магар безор экандур, билмадим.

Ҳар кеча хуршид ўзин айлар хижолатдин ниҳон,  
Анга боис ул қуёшрухсор экандур, билмадим.

Ихтиёр эттим анинг ишқини, сўнгра, эй кўнгул,  
Жонга чекмак дардини душвор экандур, билмадим.

Бу кеча Ферузни ширин лабидин нўш айлаган —  
Шодком ул лаъли шаққарбор экандур, билмадим.

\* \* \*

Еқут лабу гавхар тишу ғунча дахан ёринг келур,  
Насрин узору лоларух, хуршид рухсоринг келур.

Исо нафас, Юсуфи Чин, Мусо такаллум, мохрав,  
Жаллод кўзу бераҳм дил, шўхи жафокоринг келур.

Мушкин қошу сунбул сочу мохпайкари жонбахшдам,  
Сиймин закон, гул пирахан, лаъли шакарборинг келур.

Мехр оразу фаррух юз, тўби қаду ширинсухан,  
Тўти мақому гулбадан, товус рафторинг келур.

Кофирвашу ошиқкушу нозик мизожу тундхў,  
Сангин кўнгул, бедодгар, ёри дилозоринг келур.

Рангинадою, тезфаҳм, абрў камону хашмгин<sup>1</sup>  
Қотил нигоҳу бевафою чашми хунхоринг келур.

Иқболи Ферузинг бўлуб ёвар санга ул нозанин,  
Лутфу карам зоҳир қилиб, бўлмоқ учун ёринг келур.

---

<sup>1</sup> Х а ш м г и н — аччиқланган, ғазабли.

\* \* \*

Оразинг даврида ҳарён зулфи анбарму экан,  
Йўқса ганж устида ётгон икки аждарму экан.

Юзларинг май тобидин қилгон арақларму аён,  
Моҳи анвар дуррида бир неча ахтарму экан.

Тишларинг дурму бўлур зоҳир табассум айлагач,  
Ҳуққаи ёқут аро бир неча гавҳарму экан.

Кўзларинг дурму ики қош остида қилгон макон,  
Дайр тоқи ичра ёхуд икки кофарму экан.

Лаъли жонбахшида борму холи мушқин, йўқ эса,  
Чашмаи ҳайвонда ёзилгон нуқатларму экан.

Оразидин тийра кулбам равшан этган бу кеча  
Моҳи анварму ва ё ул ҳури шаккарму экан.

Элни ҳайрон айлаган, Феруз, хуснига сенинг  
Дилбарингму ё бизнинг сарву суманбарму экан.

\* \* \*

Манга, эй дилрабо, мунча итоб этмак недур, билмон,  
Ҳазин жонимға жавринг беҳисоб этмак недур, билмон.

Гирифторинг эрурлар жону дил банд этғали они,  
Мусалсал кокилингни печтоб этмак недур, билмон.

Чекиб йиллар фироқинг ранжини, топсам агар васлинг,  
Кетарга умрдек бирдам шитоб этмак недур, билмон.

Эрур кўнглум фироқинг ичра ашким селидин вайрон,  
Яна ортуқроқ они хароб этмак недур, билмон.

Ёқиб ишқинг ўтига сарбасар жони низорим ҳам  
Куюк бағрим кабоб узра кабоб этмак недур, билмон.

Бу гулшанда очилмоқ хорсиз гул мумкин ўлғойму,  
Нигоро, мендин асру ижтиноб этмак недур, билмон.

Хумори бодаи васлинг бўлуб Феруз, ағёринг  
Шароби лутф бирла комёб этмак недур, билмон.





\* \* \*

Холима раҳм айламас шўхи паризодим менинг,  
Кўнглига таъсир қилмас оху фарёдим менинг.

Оразу қаддиға банда бўлгусидур сарвигул,  
Сайр учун боғ ичра кирса сарви озодим менинг.

Ишқинг ичра заъфлиғ ҳолим кўруб, лутф айлабон,  
Демадинг «ҳолинг нечук, эй зори ношодим менинг?»

Сарв ила шамшод васфин кўб дема, эй боғбон,  
Сунбулим мушкин сочидур, қадди шамшодим менинг.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнун, тонг йўқ, ўлса тобеъим,  
Дайр пиридин чиқибдур хатти иршодим менинг.

Жавр ила зулми тамом ўлмас ўтуб кўб ою йил,  
Ҳеч бир ою кун аро тўлмасму миъодим <sup>1</sup> менинг.

Чун манга бедод расмин тутмиш ул султони ҳусн,  
Қим, эшитгай эмди ҳижрон илкидин додим менинг.

Мен нечук ишқи жунунинг завқу шавқин тарк этай  
Қим, бу унсурдин маркаб бўлди ижодим менинг.

Донаи дом айлама субҳангни <sup>2</sup>, эй зоҳид манга,  
Холу зулфидин эрур тасбиҳи авродим <sup>3</sup> менинг.

Чорае йўқтур қазоға рози бўлмай ҳар неким,  
Ёзди жабҳам лавҳи узра килки Бехзодим менинг.

Комил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,  
Огаҳийдур шеър машқ айларда устодим менинг.

---

<sup>1</sup> Миъод — ваъдалашув, муддат.

<sup>2</sup> Субҳа — тасбиҳ.

<sup>3</sup> Аврод — дуолар.



\* \* \*

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,  
Ўлук жисмимга жон берди Масихосо калом айлаб.

Шабистонимни қилди оразининг меҳридин равшан,  
Олиб рухсоридин парда, қуёш янглиғ хиром айлаб.

Аён айлаб жамолин, қилди шомим субҳга табдил,  
Юзи ҳижронида ағёрнинг субҳини шом айлаб.

Келиб юз навъ нозу ишва бирла меҳр этиб оғоз,  
Қошимда ўлтуруб деди тилин муъжиз низом айлаб:

«Ки эй ҳажримда кўнгли лоладек доғ узра доғ ўлғон,  
Юурсан бўйла токи айши роҳатни ҳаром айлаб.

Висолимға чу етдинг шоду масрур айлабон ўзни,  
Баён айла манга сен арзи ҳолингни тамом айлаб».

Чиқориб бир суроҳий бода пайдарпай қилиб лабриз<sup>1</sup>  
Ичурди қўл солиб бўйнымға юз минг эҳтиром айлаб.

Қириб оғушима мажлис аро сармасти хоб ўлди,  
Тонг отғунча мани масти мудом, шодком айлаб.

Ёри ушшоқини Феруз сармасти баҳор этти,  
Илоҳо, шод эт они барчадин олиймақом айлаб.

---

<sup>1</sup> Л а б р и з — лиммо-лим.

\* \* \*

Солди олам ичра ғавғо, эй малаксиймо, кўзунг!  
Дину иймонимни торож айлади тарсо кўзунг.

Мен нечук жон асрағайман кўзу қошинг оллида,  
Ё қошинг олғусидур жонимни бир кун, ё кўзунг.

Жон фидо қилсам агар, лутф айлаб, этмас бир нигоҳ,  
Ваҳ, нечук бераҳм эрур, эй, орази хумро, кўзунг.

Жон берурда лабларинг қилса табассум ногаҳон,  
Қатлима мужгонинг ўқ айлар қошингни, ё кўзунг.

Жаврини ортуқроқ айлар дамбадам ушшоқға,  
Турфа золим халқ қилмиш холиқи ашё кўзунг.

Бўйнунга солиб қўлумни, қошингга қурбон ўлуб,  
Гул юзунг, майгун лабинг ўпсам, гоҳи шаҳло кўзунг.

Ҳар неча изҳори ажз этсам агар Феруздек,  
Ортуқ айлар зулмини, кам айламас асло кўзунг.

---

<sup>1</sup> Ё — ёй, камон маъносида.

\* \* \*

Очилмуш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил!  
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла Жоми Жам, келгил!

Даме нозингни тарк этгил, кўруб ушшоқе, аҳволин,  
Тузуб мехру вафо расмин, қилиб лутфу карам, келгил!

Мухайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,  
Кўнгул кўзгусидан зоил қилурға занги ғам, келгил!

Тўшаб баргини гул ер узра, тортар интизорингни,  
Гулистон ичра, гул барги уза қўюб қадам келгил!

Ҳаводур мўътадил ҳам фасли гулдур, кеча ҳам моҳтоб,  
Тузуб мажлис ичарга лолагун май дамбадам келгил.

Чаманлар сабзи хуррам, ҳавзлар лабризу гул хандон,  
Билиб бу файзлиғ мавсумни асру муғтанам<sup>1</sup> келгил!

Олиб бурқаъ жамолингни қилурға кўзларим равшан,  
Жафою жавру зулмингни қилиб бир лаҳза кам, келгил!

Гаҳи айлаб баҳона гул терарга бу ҳазинингни,  
Қилурға хайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам, келгил!

Санга Феруз эрур қул, вале ҳажрингдадур ношод,  
Бу қулни шод этарга, эй нигори муҳташам, келгил!

---

<sup>1</sup> Муғтанам — ганимат саналган.

\* \* \*

Қатлингга қасд айламиш ул чашми хунхор, эй кўнгул,  
Бергали жон ишқ аро бўл эмди тайёр, эй кўнгул!

Кўнглига қилмас асар оху фиғонинг, негаким,  
Маркаби қахр узра рокиб<sup>1</sup> бўлди дилдор, эй кўнгул!

Ўзни гар юз пора қилсанг рашк тиғидин, не суд,  
Давлати васлиға йўл топмишдур ағёр, эй кўнгул!

Дину имонингни ғорат айламакка кўргузур  
Ишваю нозу адо ул шўхи айёр, эй кўнгул!

Асрағил ишқини жонинг ичра то жон борича,  
Қилмағил ҳеч кимсага меҳрин изҳор, эй кўнгул!

Гар десанг фориг бўлай рашку фироқ ошубидин,  
Маст ўлуб, доим замоне бўлма ҳушёр, эй кўнгул!

Васлиға етмак муяссар бўлса жон нақдин бериб,  
Ул матойиға ўзинг қилғил харидор, эй кўнгул!

Ҳажрида гар чиқса жонинг бир табассумдин сенинг,  
Бергуси жон жисминга лаъли шакарбор, эй кўнгул!

Ул парининг кўзу қошу хатту холиға магар  
Сан дағи Феруздек бўлдунг гирифтор, эй кўнгул!

---

<sup>1</sup> Рокиб — отлик.

\* \* \*

Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,  
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвоб<sup>1</sup> ини,  
Рухсори олам тобини очиб севар ёринг келур.

Лаълин қилиб мўъжиз баён, бермакка умри жовидон,  
Юз навъ меҳр айлаб аён жонбахш гуфторинг келур.

Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано<sup>2</sup>,  
Бу дам тутб расми вафо шўҳи ситамкоринг келур.

Маҳзун қилиб ағёрни, шод этгали сен зорни,  
Тарк айлабон озорни ёри вафодоринг келур.

Кўнглига ноланг бир саҳар таъсир қилмишдур магар,  
Ширин дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.

Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,  
Андоқки сарви хушхиром, озода рафторинг келур.

---

<sup>1</sup> абвоб — эшик

<sup>2</sup> ано — машаққат, қийинчилик, азоб. уқубат.

\* \* \*

Қадинг ҳажрида, эй ҳури паризод,  
Қилурман қумри янглиғ нола бунёд.

Даме бу ҳолима айлаб тараҳхум,  
Висолинг базмида қилғил мани шод.

Мунаввар оразинг чун моҳи анвар,  
Эрур зебо қадинг чун сарви шамшод.

Жафо таркий тутуб ман нотавонга,  
Ҳазин кўнглумни ғамдин айла озод.

Эрур ҳар кирпикинг бир новаки ханжар,  
Кўзунг жон олғучи бераҳм жаллод.

Не бўлғай бир кеча элдин ниҳоне  
Хиром этсанг қилиб Ферузни ёд.

\* \* \*

Ёқутдурму билмадим ё лаъл, эй жонон, лабинг,  
Ё оразинг гулзорида борму гули хандон лабинг.

Лаълингни бир ўпмак била топтим ҳаёти жовидон,  
Иъжози Исому экан, ё шарбати ҳайвон лабинг.

Қулгу чоғи зоҳир бўлубким мусаффо тишларинг,  
Гўё алардур бебаҳо дур, ҳуққайи маржон лабинг.

Кўздин тўқуб ҳижрон аро доим сиришки лолагун,  
Ўпмаклик айлаб оруз тун-кун ютарман қон лабинг.

Минг бебаҳо ёқут, лаъл инъомидин ортуқдурур,  
Бир сўрғоли бу зоринга қилсанг агар эҳсон лабинг.

Гар бўсаи лаълингға жон нақдин қилур эрсанг баҳо,  
Олғум, нединким бир ўпуб ўлганга не армон лабинг.

Доим кўнгулда сақлабон пинҳон лабингнинг шавқини,  
Эмди етибман ўлгали, ўптир манга пинҳон лабинг.

Ўтлуғ замиримга менинг доғ узра қўйди доғлар,  
Жон нуқтасидек холлар зоҳир қилиб ҳарён лабинг.

Феруз жаннат равзасин гар истамас эрмас ажаб —  
Ким, оразинг жаннат гули, кавсар суйи, эй жон, лабинг.

## СУНГСУЗ УРНИДА

XI X аср охири, XX аср авваллари Хоразм адабий жараёни, бу давр ижодкорлари хусусида адабиётшуносликда талайгина ишлар қилинган. Огаҳий, Табибий, Баёний, Аваз Ўтар қолдирган мерос бугунги кунда ҳам гоёят қадрли. Бу давр Хоразм адабий муҳити фаоллиги билан ажралиб туради. Бу ижобий ҳаракатни қарийб 47 йил Хива тахтида ўтирган Муҳаммад Раҳимхон — ажойиб шоир Феруз бошқарди.

Муҳаммад Раҳимхон 1844 йили Хивада таваллуд топган. У отаси Сайид Муҳаммадхон ўлимидан сўнг, ҳижрий 1281, милодий 1863 йили, 19 ёшида тахтга чиқади. У ўша даврга қадар ўтган ҳукмдорлар ичида энг кўн муддат хонлик қилган ва ўзидан кейин яхши ном қолдирган шахслардан биридир. Муҳаммад Раҳимхоннинг хонлик даври 1863—1910 йилларга тўғри келди.

У илмга, шеърятга ихлос қўйган киши эди. Бу даврда мамлакат ҳар жиҳатдан ўсиб, маданият ривож топди. Масжидлар қурилди, мадраса ишлари жонланди.

«XI X асрнинг ўрталарига келиб, Хоразм маданий ҳаётида алоҳида тараққиёт юз берди. Илгари вайрон бўлиб кетган бинолар қайтадан тикланди. Янгидан суғориш иншоотлари, қарвонсаройлар ва 60 га яқин масжид, мадрасалар барпо этилди»<sup>1</sup>. Хива ва унинг теварак-атрофидаги шоир ва адабиётчилар саройга йиғилиб, бир адабий марказ вужудга келтирилди. Муҳаммад Раҳимхоннинг бевосита ҳомийлиги остида ўнлаб истеъдодли шоирлар, ажойиб созандалар, чиройли ҳуснихат эгалари — хаттотлар етишиб чиқди.

Муҳаммад Раҳимхон ўз даври ижодкорларини сарой атрофига йиғар экан, улар қаламининг янада ўткир, жозибали бўлиши устида қайғурди. Ҳар бир шоирнинг шеърларини жамъ қилиб, девон тузиш каби хайрли ишларни амалга оширди. Ўша даврда деярли барча шоирлар битта, иккитадан ўз газалларининг мажмуасини туздилар. Бунинг натижасида юзга яқин девон ва баёзлар дунёга келди. Бу девон ва баёзларнинг яратилишига бевосита хоннинг ўзи бошчилик қилди, уларга кетадиган харажатларни у ўз зиммасига олди.

«Хоразмда баёзчиликнинг кенг тараққий этиши натижасида «Баёзи мусаддасот», «Баёзи мажмуаи ашъор», «Баёзи мухаммасот» ва «Баёзи ашъор» каби баёзлар вужудга келди. Бу «баёзлар ўзининг композиция-

<sup>1</sup> Т. Мирзаев «Аваз Ўтар», ЎзФА нашриёти, 1961 йил, 6-бет.



си, шеърларининг гоъвий мазмуни, китобат услуби ҳамда хуснихати билан алоҳида ажралиб туради. Бу ишларга бевосита Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлик қиларди».<sup>1</sup>

Феруз раҳбарлиги остида Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» тазкиралари яратилдики, натижада биз жуда кўплаб ижодкорлар номлари билан танишиш бахтига эга бўлдик. Шу даврда Хивада тошбосмаҳонанинг барпо этилиши, Муҳаммад Раҳимхоннинг энг эзгу ишларидан биридир. Бу даврда ҳатто маданий ишлар анча ривож топган Тошкент шаҳрида ҳам бундай босмаҳона йўқ эди.

Муҳаммад Раҳимхон саҳоватли, фуқаропарвар инсон эди. Бу ҳақда Ҳасанмурод қори Муҳаммадамин ўғли Лаффасийнинг «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида қизиқарли бир воқеа келтирилади... Дўий — (сарой шоирлари орасида Дой ўзининг доъюраллиги, бетгачопарлиги билан ажралиб турган — Г. И.) — Юсуф Ҳожи номи билан машҳур бўлуб, ҳамавақтлар Хива уламо ва сипоҳларини мазаммат этиб, ҳақоратлар қилиб юрур эрди. Феруз Дойни яхши ҳурматлар билан инъомлар бериб турар эди. Муҳаммад Раҳимхон Дойни шул тариқа сипоҳи уламоларни ҳақоратлар қилиб, мазаммат қилгонин билиб они Хивадаги масжиди Қалъонга воизлиқ мансабиға таъйинлайдур. Аммо... вазирлар ва уламоларни танқид қилгон ҳолида онча шиқоятлар этиб турадур. Аммо хон томонидан нима сўзласа хонга бориб айтур эрдилар. Бир кун Муҳаммад Раҳимхон Исломуҳжага айтди: «Букун наҳори жумъа масжидға бориб воизнинг яна насихатларидан эшитиб кел» деб фармон қиладур. Исломуҳжа ўзин яқинларидан олиб намози жумъаға борадур... Юсуф Ҳожи Охун... уларни кўруб мазамматлар этиб айтади: «Мундоғ мадраса ва минорлар бино қилдурса қандай савоб бўлсун, фуқаро-деҳқонларға шундоғ жабр-зулм қилиб фуқароларни манглай тери билан жамъ бўлгон ақчалардин бино бўлгонда нима савоб бўлади. Буларни шундоғ бу иши жазосин топса керак...» Исломуҳжа ушбу бўлгон воқеаларни Муҳаммад Раҳимхонга айтадур. Хон бу тўғрида ҳеч бир нима сўзламайдур. Балки анга (Дойиға демоқчи — Г. И.) сарпой бериб юборадур».

Муҳаммад Раҳимхоннинг иқтидор кўлами кенг эди. У ажойиб ҳуснихат эгаси бўлган, санъат сирларини чуқур билган. Шу билан бирга, мусиқа сирларидан ҳам бохабар бўлган; унинг «Шашмақом»га ўн учта куй басталагани бизга маълумдир.

Муҳаммад Раҳимхоннинг биз учун гоъятда муҳим фазилатларидан яна бири — гўзал шеърлар яратган истеъдодли шоирлигида эди. Муҳаммад Раҳимхон, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз шеърларига Феруз деб таҳаллус қўйди. Феруз — бахтли-толели деган маъноларни англайди.

<sup>1</sup> М. Хамидова, «Кўлөзма баёзлар — адабий манба», Тошкент, ЎзССР. «Фан» нашриёти, 1981 йил, 34-бет.

Феруз шеърнати ўзига хос жаранга эга. «Ишқий ғазаллар пири ҳисобланган Феруз лирикаси сержило, сермазмунлиги билан ажралиб туради. Шоир шеърларида ботиний гўзал туйғулар, покиза, соф тасавурлар олами ўзига хос салоҳият билан ифода этилади. Феруз лирикасининг бой жиҳатларидан бири мисраларнинг ғоятда оҳангдор, ўйноқи, дилбарлигидадир:

Оҳким, жонимга жавр айлаб, мани ёр ўлтурур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксимни афгор, ўлтурур.

Васли бирла шод этиб ағёрни, ҳижрон аро  
Айлабон маҳзун мани, чархи ситамкор ўлтурур.

Еки:

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур,  
Наргис эрканму ва ё ул чашми бир афсунмудур?

Ул гул олмишу қизил гул илкига бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин кўли гулгунмудур?

Феруз мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий, муаммо каби турли-туман жанрларда қалам тебратган. Ғазал жанри буларнинг ичида энг сермахсули ҳисобланади, шоирнинг қўлёзма мажмуаларида юзга яқин ғазал бор.

Умуман, Феруз ижоди бизга тўлалигича етиб келган, дейиш мумкин. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида шоирнинг ўнга яқин ғазал мажмуалари сақланади. Бу китобларнинг деярли барчаси ўша даврнинг билимли, иқтидорли хаттотлари томонидан кўчирилган. Айниқса, 12066 рақами билан сақланаётган бир мажмуа қоғозининг нафислиги, саҳифаларининг ғоят чиройли безаклангани, гўзал ҳуснихати билан ўқувчи диққатини тортади. Бу мажмуа ўша даврнинг кўзга кўринган хаттотларидан бири ибн устод Муҳаммад Паноҳ Хоразмий томонидан (ҳижрий 1312, мелодий 1894—1895 йилларда) настаълиқ хатида кўчирилган.

Бундан ташқари, Феруз шеърлари баёзлар тартибида ҳам жамланган. Бироқ бу мажмуа ва баёзлардаги шеърларнинг кўпчилиги бир-бирини такоррайди.

Ушбу рисоладан жой олган шеърларга шоирнинг 12066 рақами билан сақланаётган «Ғазалиёти Феруз» мажмуаси асос бўлди. Шунингдек,

шоирнинг 3449, 8724-тартиб рақамлари билан сақланаётган ғазал мажмуаларидан ҳам намуналар келтирилди.

Феруз ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кенг, тўла тадқиқотлар келажакда яратилишидан умидвормиз.

Сўзимнинг охирида ушбу хайрли ишни юзага чиқаришда ўзларининг беиннат хизматларини аямаган ўртоқларга: филология фанлари номзодлари Қ. Каримов, А. Ҳабибуллаев, аспирант С. Рафиддиновга ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Гулсара  
ИСМОЙЛОВА

## МУНДАРИЖА

«Нечук офат эдинг...» . . . . .	3
«Қилурман ютуб шавқи...» . . . . .	4
«Икки маҳваш бу кеча...» . . . . .	5
«Бўлмаса базм ичра ул ой...» . . . . .	6
«Келди лутф айлаб менинг...» . . . . .	7
«Рухсорин очиб бир пари...» . . . . .	8
«Фурқатинг солди...» . . . . .	9
«Юз жилва агарчи...» . . . . .	10
«Юзингдур, эй париваш...» . . . . .	11
«Гулшан ичра сарв ёхуд...» . . . . .	12
«Етушти ҳажридин жонимга...» . . . . .	13
«Айлаган ҳолим хароб...» . . . . .	14
«Эй сабо, бергил хабар...» . . . . .	15
«Келдингму ибодатга...» . . . . .	16
«Манга раҳм айлаб...» . . . . .	17
«Пайваста қоши шаклидур...» . . . . .	18
«Не бало, мавзун келибдур...» . . . . .	19
«Нигоро, олди ҳушим...» . . . . .	20
«Бир пари тушда манга...» . . . . .	21
«Кўзимга бир париораз...» . . . . .	22
«Ер сўроғга ман ҳазин...» . . . . .	23
«Сайри боғ этсанг агар...» . . . . .	24
«Ҳар сўзида фош этар ул...» . . . . .	25
«Олдинг ниқоб юздин...» . . . . .	26
«Базмимга келди ул пари...» . . . . .	27
«Эй, юзунгдур хусн авжида...» . . . . .	28
«Қилиб ноз олдинг, эй маҳбуб...» . . . . .	29
«Тараҳхум айлагил, эй шўхким...» . . . . .	30
«Юз очиб гар этса ул шўх...» . . . . .	31
«Бирдам айлаб ҳолима лутф...» . . . . .	32
«Аё, бераҳми хўбони замона» . . . . .	33
«Кулиб деди менга...» . . . . .	34
«Қачонким айласа ул...» . . . . .	35
«Тобакай, жоно, фироқинг...» . . . . .	36
«Эй, фалак, нетдим, сане...» . . . . .	37
«Оҳким, бир дилрабо...» . . . . .	38
«Бу кеча базмим аро...» . . . . .	39
«Оҳким, жонимга жабр...» . . . . .	40

«Ул қуёш очиб юзин...» . . . . .	41
«Ул санамга ўзга раҳбон...» . . . . .	42
«Ёқут лабу гавҳар тишу...» . . . . .	43
«Оразинг даврида ҳарён...» . . . . .	44
«Манга, эй дилрабо, мунча...» . . . . .	45
«Ўлмаққа етдим ҳижрон ғамидин...» . . . . .	46
«Ҳолима раҳм айламас...» . . . . .	48
«Бу оқшом келди ул дилбар...» . . . . .	49
«Солди олам ичра гавго...» . . . . .	50
«Очилмиш гул...» . . . . .	51
«Қатлингга қасд айламиш...» . . . . .	52
«Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул...» . . . . .	53
«Қадинг ҳажрида, эй ҳури паризод...» . . . . .	54
«Ёқутдурму билмадим ё лаъл...» . . . . .	55
Сўнгсўз ўрнида. <i>Гулсара Исмоилова</i> . . . . .	56

Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

*Литературно-художественное издание*

Муҳаммад Раҳимхон Феруз

**ЧТО СЛУЧИЛОСЬ, НЕ ПРИШЛА ЛЮБИМАЯ МОЯ**

Г а з е л и

Художник Т. Герасимова

Ташкент, Издательско-полиграфическое объединение им. Г. Гуляма

На узбекском языке

*Адабий-бадший нашр*

Муҳаммад Раҳимхон Феруз

**НЕ БУЛДИ, ЕРИМ КЕЛМАДИ**

Г а з а л л а р

Мухаррир Раазок АБДУРАШИД. Расмлар мухаррири В. НЕМИРОВСКИЙ.  
Техн. мухаррир Н. СЕЙДУАЛИЕВА. Мусаххих М. НАСРИДИНОВА

ИБ № 4971

Босмахонага 15.07.94 да берилди. Босишга 12.09.94 да рухсат этилди. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
2-босмахона қоғози. Оддий янги гарнитура. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 3.15.  
Шартли бўёқ-оттиск 3.36. Нашр тобоғи 1.4. Жами 100000 нусха. № 5855 буюртма. Баҳоси  
1 с. 50 т. № 39—91 рақамли шартнома. Гафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси.  
700129. Тошкент, Навоий кўчаси. 30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли  
босмахонаси. ГСП. Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси. 41.

**Феруз, Муҳаммад Раҳимхон.**

**Не бўлди, ёрим келмади... Ғазаллар. — Т.: Ғафур  
Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991. —  
64 б. — (Боқий сатрлар).**

Ишк бир ўтдурур, нечунким барк  
Айламас шоҳ била гадони фарк.

Бу соҳир сатрлар ўзбек классик адабиёти тарихидан муносиб ўрин олган ҳассос шоир Феруз қаламига мансуб.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз — фақат улкан шоиргина эмас, балки ўз замонасининг буюк фарзанди ҳам эди, у қирк етти йил Хоразм хони бўлиб, Туркистонда фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг равнақиға улкан ҳисса қўшган, уламо, фузало ва шуаро аҳлиға ҳомийлик кўрсатган.

Ферузнинг ижоди ва фаолияти инкилобдан сўнг эътиборсизликка учради. Синфийлик нуқтаи назари туфайли бу «буюк маърифатпарвар» (В. В. Бартольд) шоирнинг ижодий мероси — етмиш йилким — авахта ҳолатида сақланиб келинди. Ниҳоят янгича сиёсат, ошкоралик туфайли бу мерос яна ўз вориси — халққа қайтарилмоқда.

Мазкур китобға шоирнинг энг сара ғазалларидан намуналар киритилди.

**Феруз, Муҳаммад Раҳимхон.**

**Что случилось, не пришла любимая моя; Газели.**